Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 29 март • № 13 (930)

### Қарор ва ижро

## ФАОЛИЯТГА ЖИДДИЙ ЁНДОШУВ ЗАРУР

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг видеоселектор мажлиси**

***2012 йил 22 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг катта мажлислар залида Бош вазир ўринбосари Адҳам Икрамов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-Қарори ижроси таъминланишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қашқадарё вилоятининг барча даражадаги ҳокимликлари раҳбарларининг ўрни ва масъулияти тўғрисидаги ҳисоботлари бўйича видеоселектор ўтказилди.***

Марказий студияда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт, Молия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилояти, туманлари ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари, республика ихтисослаштирилган марказлар директорлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар студиялари тегишли мутасадди раҳбарлари қатнашди.

Мажлисни кириш сўзи билан очган Бош вазир ўринбосари Адҳам Икрамов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1652-қарори ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизим бошқармалари, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан олиб борилган ишлар хусусида тўхталиб, асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар сабаблари таҳлилига қаратди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича ижро интизоми, Инвестиция дастури бажарилиши, аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, бошқа бир қатор долзарб йўналишларда йўл қўйилган хато ва камчиликларга тўхталиниб, бу борада аниқ муддатли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашда тегишли вилоят раҳбариятига топшириқ берилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботида тегишли қарор доирасида белгиланган вазифалар вақтида бажарилмаётганлиги хусусида тўхталиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар киритди, бу борада айниқса ҳудудий бошқармалар масъулиятини ошириш муҳимлигини қайд этди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Файрат Жавлиев ҳудуддаги тиббиёт муассасалари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди. Муҳокама якунида тегишли қарор ижросини таъминлаш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизим бошқармалари, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан жорий йил ва келгусида бажарилиши лозим бўлган асосий ўнта йўналиш белгилаб олинди.

**Вилоят студияларидан ҳар бир вилоят ҳокими ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари батафсил ҳисобот билан иштирок этиб, Бош вазир ўринбосари томонидан берилган саволларга ҳам жавоб қайтаришди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

### Спортчи қизларга совғалар улашилди

***Яқинда Марғилон шаҳридаги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган спортчи қизларга Президент совғалари топширилди.***

Марғилон шаҳри етук спортчиларни тарбиялашда Фарғона вилоятида етакчи ўринларни эгаллайди. Айниқса бадиий гимнастика, белбоғли ва якка кураш, теннис усталари шаҳар аҳлининг фахрига айланган.

– Юртбошимиздан совға қабул қилар эканман, жуда ҳаяжонландим, спорт билан шуғулланишга астойдил, ихлос билан ҳаракат қилишга киришдим. Бундай ғамхўрлик албатта янгидан-янги ютуқлар ва ғалабалар сари ундайди, – деди 5-мактаб ўқувчиси Дилдора Абдуллаева.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

### Танлов

## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШГА УНДАЙДИ



***Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М. Хўжамбердиев ва бошқалар барчани Наврўз айёми билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида яратилган миллий модель жаҳонда юксак эътироф этилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида ҳар соҳада каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати даражаси яхшиланиб, тиббиётга бўлган ишонч ортиб бормоқда. Президентимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу борада самарали ишлар амалга татбиқ этилиб, ҳар бир йўналишда ўзига хос ижобий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч ёрдам, бирламчи тиббиёт тизимини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Тизим фаолиятини изчиллик билан олиб бориш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида бир неча йиллардан буён турли йўналишда кўрик-танловлар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини янада яхшилашда шошилинч тиббий ёрдам хизмати ҳам алоҳида ўринга эга. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ушбу соҳага бўлган эътибордан далолатдир.

**(Давоми 2-бетда).**

### Конференция

## Шошилинч хизмат кўлами кенгайиб бормоқда

***Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти соҳанинг энг самарали тизими сифатида эътироф этилмоқда. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтилди.***

Тадбирни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган РШТЁИМнинг бугунги кунда 13 та минтақавий филиали ва туман тиббиёт бирлашмалари қошида бўлимлари фаолият юритаётгани, бундан ташқари, "103" хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ва санитар авиация хизмати йўлга қўйилганини қайд этар экан, яқин орада ушбу тизимни махсус транспорт воситалари билан таъминлашни кенгайтириш, демакки, хизмат кўрсатиш кўлами ҳам ошиши кутилаётганлигини таъкидлади.

Шу кунгача тиббий ёрдам хизмати автопарклари бутунлай янгиланган бўлиб, биргина ўтган йил давомида тўққиз миллиондан ортиқ беморга шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатилган.

**(Давоми 3-бетда).**

Танлов

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШГА УНДАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг муҳими – шошилинч тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, транспорт паркини бойитиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “103” хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати яхши йўлга қўйилган. Кейинги йилларда тез тиббий хизмат қарийб 800 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.



Тегишли қарор доирасида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 11 февралдаги буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда анъанавий тус олган «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» кўрик-танловининг саралаш босқичлари муваффақиятли ўтказилиб, қайд этилганидек, якуний натижалар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Эътиборлиси, бундай танловлар ҳақиқатан ҳам йилдан-йилга анъанага айланиб, кенг аудиторияни қамраб олмоқда. Бу эса тизим фаолияти самарали кечаётганлигидан далолатдир.

Албатта, ушбу танлов жараёнлари тажрибали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кузатиб борилиб, иштирокчилар меҳнати муносиб баҳо топди. Танловнинг якуний босқичи натижаларига кўра, Тўрткўл тумани (Қорақалпоғистон) тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими “Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси” деб топилиб, “Дамас” автоамбулансии билан тақдирланди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам станцияси учинчи бўлими шифокори Мавжуда Мардонова «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори», Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам маркази ҳайдовчиси Содиқжон Хўжаев «Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси» номинацияларида ғолиб бўлишди. Танловнинг барча ғолиб ва совриндорлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда соҳа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг совғалари билан тақдирланишди.

## Кўрик-танлов ғолиблари

**"Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси" номинацияси қуйидагиларга насиб этди:**

*1-ўрин – Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани тез тиббий ёрдам бўлими;*
*2-ўрин – Жиззах шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими;*
*3-ўрин – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими.*

**"Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори" номинациясини қуйидагилар қўлга киритди:**

*1-ўрин – РШТЁИМ Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам станцияси 3-бўлими шифокори Мавжуда Мардонова;*
*2-ўрин – РШТЁИМ Фарғона филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Баҳодир Соттиев;*
*3-ўрин – РШТЁИМ Бухоро филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Дилбар Ражабова.*

**"Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси" номинациясига қуйидагилар сазовор бўлди:**

*1-ўрин – Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам марказий бўлими ҳайдовчиси Содиқжон Хўжаев;*
*2-ўрин – Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани тез тиббий ёрдам ҳайдовчиси Ниғматжон Ҳакимбоев;*
*3-ўрин – Навоий вилояти Қизилтепа тумани тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Баҳром Қаландаров.*



**Рашид НОРБОЕВ, Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи:**

– Тез ёрдам хизматида фаолият кўрсатишнинг ўзига хос масъулиятли ва шарафли томонлари бор. Ўз навбатида, бу мутахассисдан билимларни доимо ошириб боришни талаб этади. Соҳадаги ҳар бир йўналишнинг мураккаблиги шундаки, тиббиёт ходими ўз касбига садоқат ва шижоат билан ёндошсагина, инсон учун бебаҳо бўлган саломатлик нечоғлиқ муҳим эканлигини бутун фаолияти давомида янада чуқур англаб етади. Демоқчиманки, фавқулодда юзага келган ҳолатда беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Бундай вазиятда тез ёрдамнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Ушбу касб эгалари туну кун халқ хизматида бўлади. Ана шундай машаққатли меҳнатга эътибор, хусусан, кўрик-танловлар ташкил этилиши аҳоли саломатлиги йўлида бунданда самарали ишлашга ундайди. Бу йилги танловда бирлашма негизидаги бўлим «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлгани биз учун фахрлидир. Қўлга киритилган мукофот бўлим жамоасининг меҳнати ортидаги катта ютуғи деб биламиз.



***Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “103” хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати яхши йўлга қўйилган. Кейинги йилларда тез тиббий хизмат қарийб 800 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.***



**Мавжуда МАРДОНОВА, РШТЁИМ Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам станцияси учинчи бўлими шифокори:**

– Шифокорлик касбини танлаганимдан ва инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётганимдан фахрланаман. Биздек тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, кенг имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Кейинги йилларда соҳада кўп ижобий натижаларга эришилмоқда, бизнинг меҳнатимиз дунё ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. Бунинг биргина намунасини тиббиёт муассасалари замон талаблари даражасида бунёд этилаётгани, илғор технологиялар билан жиҳозланиши, малакали кадрлар билан таъминланаётганида кўриш мумкин. Кўрик-танлов ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлиб қолади.

**Содиқжон ХЎЖАЕВ, Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам маркази ҳайдовчиси:**

– Менинг ҳам касбим ниҳоятда ҳушёрлик ва сергакликни талаб қилади. Айниқса тез ёрдам хизматида ишлаш ҳайдовчининг касбий маҳорати ҳар томонлама ўсишида муҳим аҳамият касб этар экан. Махсус кийимда бўлишимиз, замонавий тез ёрдам автомашиналари билан таъминланганлигимиз касбимизга меҳримизни янада оширмоқда. Камтарона меҳнатим танлов доирасида муносиб тақдирланганидан миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар қандай рағбат соҳа ходимларини янада фаол бўлиб, ўз ишини бунданда сидқидилдан бажаришга ундайди. Тез тиббий ёрдам хизмати тизимида анъанавий ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг ҳам, шубҳасиз, қамрови кенгайиб, шифокорларнинг инсонпарварликка йўғрилган фаолиятида ёрқин ифода топаверади.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Қарор ва ижро

Андижон вилояти

# ҲАР БИР ИШДА МАСЪУЛИЯТ МУҲИМ

***Жорий йилнинг 26 март куни Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами ҳолати, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар ечимига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***



Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, ҳудудий соғлиқни сақлаш тузилмалари ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, ДСЭНМ бош шифокорлари, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, тизимдаги коллеж директорлари иштирок этди.



Йиғилишни Андижон вилояти ҳокимлигининг котибият мудири О. Мукаррамов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ҳар бир соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталиб ўтди. Шу ўринда алоҳида таъкидланганидек, Президентимиз томонидан тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор туфайли соҳада самарали натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ишларга урғу берилиши қаторида муаммоларга ҳам тўхталиниб, бу борада барча зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда масъулият билан уларни бартараф этишга ёндошиш муҳимлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров соҳага оид қатор фармон ва қарорларнинг асл моҳияти инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратилганлигини эътироф этди. Маърузачи бу борада аввало давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 2107-Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганига урғу бериб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масалага эътибор қаратилар экан, Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-Қарори ижроси бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш, соҳани ривожлантириш йўлидаги ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Чунончи, аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария хизматини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада нодавлат секторини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, тегишли қонунларга замон талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, психиатрия, суд-экспертиза тузилмалари ишини мувофиқлаштириш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, касалликлар профилактикасини кучайтириш, шунингдек Инвестиция дастури доирасидаги ишларни изчиллик билан давом эттириш тегишли қарорнинг асосий мақсади бўлиб, бу йўналишда масъулиятни янада кучайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.



Айрим ҳудудлар кесимида кадрлар етишмаслиги, пуллик ва бепул хизмат ҳамда соҳага йўналтирилаётган маблағлардан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари хусусида ҳам мулоҳазалар юритилди.

Вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов аёллар ва ёшлар саломатлигини таъминлаш борасида вилоят соғлиқни сақлаш тизимида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини тилга олди. Хусусан, айтиб ўтилганидек, текширувлар натижасида айрим тиббиёт муассасаларида ишга нисбатан совуққонлик ва эътиборсизлик билан қараш ҳоллари ишлар самарадорлиги, қолаверса, тегишли қарорлар ижросини таъминлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Нурмат Отабеков вилоят миқёсида олиб борилган назорат ишлари бўйича таҳлилий ахборот бериб, жумладан, санитария-эпидемиологик барқарорлик таъминланишида вазият талаб даражасида эмаслигини қайд этди. Айрим тиббиёт муассасаларида шифохона таркибида ички инфекциялар олдини олиш бўйича дезинфекция, стерилизация масалалари тўлиқ ҳал этилмаётгани ачинарли холдир.

Вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси Барно Одилова ўз йўналиши бўйича текширувлар натижалари билан таништирар экан, хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар таъминоти яхши эмаслиги, тери-таносил ҳамда руҳий касалликларнинг олдини олиш бўйича ишлар сустлиги, онкологик касалликларни эрта аниқлаш, бирламчи бўғин ва айрим тиббиёт муассасаларида беморлар варақалари тўлиқ расмийлаштирилмаганлигига эътибор қаратди.

Йиғилишда айрим тиббиёт муассасалари раҳбарларига тегишли тавсия ва маслаҳатлар ҳам бериб ўтилди.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Конференция

# ШОШИЛИНЧ ХИЗМАТ КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА



– Мамлакатимизнинг шошилинч тиббий ёрдам маркази дунёнинг ривожланган давлатлари соҳа тузилмалари билан доимий ҳамкорликда фаолият юритади, – дейди РШТЁИМ бош директори Абдуҳаким Хаджибоев. – Марказ энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини ҳаттоки даволаш-ташхис бўлимлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази реанимация, жарроҳлик, терапия, педиатрия йўналишлари бўйича 26 та клиник бўлимдан иборат бўлиб, 760 ўринга мўлжалланган. Ўткир миокард инфаркти, юрак коронар синдроми, ўткир гипертония, стенокардия, юрак ритми бузилиши, сурункали юрак етишмовчилиги, бактериал эндокардит хасталикларига дучор бўлган беморлар очиқ ва ёпиқ турдаги жарроҳлик услубларида даволанади. Бу ерда юрак ишлаб турган ҳолатида эндоваскуляр амалиёти, яъни юрак шоҳ томирларини стентлаш сингари ноёб жарроҳлик муолажалари йўлга қўйилган. Мисол учун, ўтган йили ангиография бўлимида шундай амалиёт 1,6 минг беморда муваффақиятли қўлланилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълум қилинганидек, марказда кўкрак қафаси, жигар ўт йўллари, меъда ости йўли, ошқозон ўн икки бармоқли ичак яралари, қорин соҳасидаги сиқилишлар, ички қон кетиш, урологик хасталиклар ҳам тезкорлик билан даволанади. Муолажа хоналарида аниқ ташҳис қўйиш ва ноёб даво усулларини қўллаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.



**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаати, турмуши ободлигини таъминлашда тиббиётнинг ўрни алоҳидадир. Бунга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолияти яққол мисол бўла олади.**

**Диёра БОЗОРОВА.**

*Халқаро конференция*

# ҲАР БИР ФАРЗАНД — МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

***“Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан аутизмга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.***






Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган конференцияда депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, комиссиялар, жамоат тузилмалари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет мамлакатларнинг тиббий ва ижтимоий соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Лола Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров, Республика “Она ва бола” скрининг маркази директори Мадина Шарипова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар бир фарзандга меҳр ва эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда она ва бола скрининг хизмати жорий этилгани, оила қуриш арафасидаги ёшлар малакали тиббий кўрикдан ўтказилаётгани, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан бепул таъминлаш, унни микроэлементлар билан бойитиш борасидаги изчил чора-тадбирлар самарасида болаларнинг турли ирсий ва туғма нуқсонлар билан дунёга келишининг олди олинмоқда. Ихтисослаштирилган марказлар, тиббиёт-реабилитация муассасалари, шифохона ва санаторийларда уларни тизимли соғломлаштириш йўлга қўйилган. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида “Таълим барча учун!”, “Ўзбекистонда инклюзив таълим” сингари лойиҳаларнинг амалга оширилиши алоҳида эҳтиёжли болалар пухта билим олиши, жамиятга интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Аутизм – жисмонан ва руҳан соғлом болада ташқи муҳит билан мулоқот-коммуникация кўникмаларининг етарлича шаклланмаганидир. Уни бартараф этишда шифокор, психолог, педагог, дефектолог сингари мутахассисларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда, комплекс ёндашуви талаб этилади. Мамлакатимизда аутизм белгилари аниқланган болаларга кўмак кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бу йўналишда бир қатор ижтимоий лойиҳалар, соғломлаштириш акцияларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошида ташкил этилган Ахборот-консалтинг хизмати томонидан аутизм аломатлари аниқланган болаларга муайян соҳалар мутахассислари ҳамкорлигида коррекцион-даволаш ёрдами кўрсатилмоқда. Жумладан, “Табиат қўйнидаги машғулотлар”, арт-терапия, махсус муолажалар натижасида болалар руҳияти, хулқ-атвори, саломатлигида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

– Мазкур халқаро конференция юқори савияда ташкил қилиниб, унга соҳага дахлдор кўплаб етакчи мутахассислар жалб этилгани масалани атрофлича ўрганиш имконини берди, – дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хаммерих. – Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, жумладан, соғлом авлодни вояга етказиш масаласига қаратилаётган тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатлигига ҳавас қилса арзийди.

Франциянинг Тулуза университети қошидаги госпиталь маркази профессори Кристиан Батайннинг айтишича, аутизм аломатлари учрайдиган болаларнинг жамиятга интеграциялашуви жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардандир. Ўзбекистонда бу масалага комплекс тарзда ёндашилаётгани болалар саломатлигини муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Конференцияда аутизм аломатларини аниқлаш ва уни бартараф этишда коррекцион-даволашнинг инновацион услубларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари, бунда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА (ЎзА).**
**Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Анжуман*

# Эпидемиологик хасталиклар камайишига эришилмоқда

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 24 март – Халқаро силга қарши кураш куни муносабати билан анжуман бўлиб ўтди.***

Соҳа мутахассисларининг ОАВ вакиллари билан ўтказилган мулоқоти давомида мамлакатимизда бугунги кунда юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тузилмаси, шунингдек республика ва ҳар бир вилоят кесимида ҳудудий шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари, хирургия, кардиология, урология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, терапия ва тиббий реабилитация, фтизиатрия ва пульмонология каби ўнлаб йўналишларда ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг мажмуавий тармоғи яратилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарғиботи кучайтирилгани боис сўнгги йилларда сил, гепатит ва шу каби эпидемиологик хасталиклар билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганлиги ҳам эътироф этилди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Саидмурод Саидалиев ахборотига кўра, жаҳон миқёсида сил касалликларини даволаш самараси 85 фоизни ташкил қилаётган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 87 фоизга тенг. Авваллари сил хасталигига чалинганлар саккиз-ўн ой шифохона шароитида даволанган бўлса, бугун ушбу жараён ўрта ҳисобда олтмиш кун давом этади. Шифокорлар томонидан юқори технологияларга асосланган даволаш муолажалари ва жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда.

Қайд этилганидек, бундай ижобий натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Давлатимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва мақсадли дастурлар асосида белгиланган вазифалар ижроси таъминланаётгани ютуқлар омилидир.

Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишнинг камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу йўналишдаги тиббий хизмат муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада ҳудудларда сил касалликлари шифохоналарида қурилиш-реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда қишлоқ жойларида ҳам тиббий кўрикларга ихтисослаштирилган шифо масканлари хизмат қиляпти. Фертиль ёшдаги аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида бошқа тиббий таҳлиллар сингари флюорографик текширувлар ҳам мунтазам ўтказиб борилади. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда республикамизда сил касаллиги 33,2 фоизга, хасталик туфайли ўлим ҳолатлари 60 фоизга камайган.

Анжуман давомида журналистлар барча қизиқтирган саволларга мутахассислардан малакали изоҳ олишга муваффақ бўлишди.

**Диёра БОЗОРОВА.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицер унвонига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, олий маълумотли, шифокорлик дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга таклиф қилади.*

*Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизмати талаблари асосида амалга оширилади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.**
**Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.**

*Миннатдорчилик*

# ФИДОЙИЛИГИНГИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН

Қисқа бўлсада, ушбу сатрлар орқали шифокорларга ташаккур билдирмоқчиман. Ўзим ва оила аъзоларим соғлиғини назорат қилиш мақсадида марказий клиника биохимия лабораториясига тез-тез мурожаат қиламиз. Ҳар сафар лаборатория ходимлари ва бўлим мудири бизни ширин сўз, илиқ муносабат ҳамда табассум билан кутиб олишади.

Фурсат келганида, шуни айтмоқчиманки, бўлим мудири Н. Муҳамедова ва лаборатория жамоаси биргина менга эмас, балки кўплаб нажот излаб келган беморларга маҳоратини ишга солиб, тезда соғайиб кетишимизда ўз меҳнатларини аяшмайди. Шундай ўз касбининг фидойилари борлигидан хурсандман.

Мазкур муассаса тиббиёт ходимларига оғир ва шарафли касбларида улкан зафарлар ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Дилдора ПЎЛАТОВА, Тошкент шаҳри.**

*Ҳамкорлик ришталари*

# БОЛАЛАРГА ТАБАССУМ ҲАДЯ ЭТАЙЛИК

***Жаҳон тиббиётчиларини ушбу шиор остига бирлаштирган "Operation Smile" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ўтказилган пластик жарроҳлик муолажалари натижасида элликдан кўп болажон юзидаги нуқсондан бутунлай халос бўлди.***

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида республикамиз тиббиёт тизимида самарали ишлар олиб борилмоқда. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси томонидан ҳам болажонлардаги турли касалликларни даволашда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада Россия, АҚШ, Германия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатлардаги йирик тиббий марказлар, халқаро инсонпарварлик ташкилотлари билан ўзаро тажриба алмашувлари ҳам фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Operation smile" халқаро гуманитар хайрия ташкилотининг Сингапурда жойлашган ваколатхонаси ўртасида 2009 йилнинг сентябрь ойида имзоланган ўзаро ҳамкорлик битимига асосан кейинги йилларда маҳаллий шифокорлар ва хорижлик мутахассислар иштирокида танглай туғма нуқсони ва куйгандан кейинги тери контрактуралари бўлган болаларга тиббий кўрикдан сўнг қўшма пластик жарроҳлик муолажалари ўтказиб келинмоқда.

"Operation Smile" ташкилотининг кўнгилли шифокорлари дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида болаларнинг беғубор табассуми учун хизмат қилмоқда. Ушбу хайрия ташкилотига ўзбекистонлик шифокорлар ҳам аъзо. Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг бир гуруҳ юқори малакали пластик жарроҳлари Индонезия, Камбоджа, Бирма давлатларида ўтказилган акцияларда фаол қатнашиб, болалар саломатлигини тиклашда ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, хорижий мутахассислар ТПТИ клиникаси шифокорларининг маҳоратига ҳар доим юқори баҳо берган.



Ўзбекистонлик пластик жарроҳларнинг туркиялик ҳамкасблари билан амалий ҳамкорлик ришталари ҳам бир неча йиллардан буён мустаҳкамланиб келмоқда. Чунончи, 2009-2010 йилларда ушбу давлатдан ташриф буюрган бир гуруҳ шифокорлар Нукус шаҳрида бемор болаларни нуқсонлардан халос этишда мутахассисларимизга кўмаклашишди.

Пластик жарроҳлик муолажалари хорижий ҳамкорлар билан амалиётда кенг қўлланилишига "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Мазкур ташкилот шафелигида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Наманган шаҳарлари ва Фарғона вилоятининг бир нечта ҳудудларида 2011-2012 йилларда пластик жарроҳлик бўйича беғараз акциялар ўтказилди.

"Аёллар кенгаши" ЖБнинг галдаги лойиҳаси шу йил 16-20 март кунлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси негизида амалга оширилиб, ҳамкорлик ришталарининг ёрқин ифодаси бўлди. Мамлакатимизга ташриф буюрган Operation Smile Singapore халқаро ташкилоти аъзолари – Сингапур, Филиппин, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия, Россия ва АҚШнинг 30 нафар малакали мутахассислари ўзбекистонлик шифокорлар билан бирга юздан зиёд болажонларни кўрикдан ўтказиб, якуний ташхис бўйича 54 тасида пластик операцияни амалга оширишди.



Дарҳақиқат, эрта тонгдан то оқшомга қадар давом этган операцияларда барча мутахассислар бир тан, бир жон бўлиб, болажонларнинг саломатлиги ва гўзал табассуми учун бор маҳоратларини намойиш этишди. "Operation Smile" ташкилоти вакили, АҚШдаги пластик жарроҳлик клиникаси раҳбари, профессор Бенжамин Родригес фикри билан айтганда, бу борада Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси замонавий технологиялар билан жиҳозлангани муҳим аҳамият касб этди, зарур шароитлар яратилгани малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Хорижлик мутахассислар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган авлод саломатлиги йўлида олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

– *Мен 23 йилдан буён дунёнинг кўплаб мамлакатларида тиббиёт амалиёти билан шуғулланаман. Ўтган акцияларимиз доирасида жуда кўп болаларни тиббий текширувдан ўтказдик ва операция қилдик. Фаолиятим давомида бошқа мамлакатлар шифокорлари билан ҳамкорлик қилишга ва улардан билмаганларимни ўрганиш ниятидаман. Тошкентлик шифокорлар ҳам катта тажрибага эга эканликлари боис, улар билан ишлаш осон бўлди. Биз акция давомида нафақат болаларга ёрдам бердик, балки ўзаро тажриба ҳам алмашдик,* – **деди Бенжамин Родригес.**

**... Ота-оналарнинг қувончи чексиз. Уларнинг қалбидаги миннатдорлик туйғусини сўз билан ифода этиш қийин. Мутлақо бепул амалга оширилган жарроҳлик муолажаси уларнинг кўнглига олам-олам шодлик улашди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Кучли фуқаролик жамияти сари*

# ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

***Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси томонидан куйи палата ахборот хизмати билан ҳамкорликда матбуот конференцияси ўтказилди.***

Оммавий ахборот воситалари учун ташкил этилган навбатдаги анжуман жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг 2012 йил фаолияти якунлари ҳамда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишланди.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўтган тўрт йил мобайнида жамоат фонди томонидан 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Биргина 2012 йилда давлат бюджетидан ННТларнинг 234 та лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун 6 миллиард сўм ажратилган бўлиб, бу аввалги йилларга нисбатан йигирма фоизга ортганидан далолат беради. Айниқса экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, ОАВни демократлаштириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўналишлари бўйича лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу лойиҳалар татбиқ этилиши барча ҳудудлар қамровида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш



борасидаги долзарб масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Чунончи, кейинги вақт ичида қарийб тўрт минг киши, аввалambor ёшлар ва хотин-қизларни оилавий бизнес ва тадбиркорликка жалб қилишга эришилди. Олис аҳоли пунктларида саксонта ўқув маркази фаолият бошлади ва қисқа муддатда 1,1 мингга яқин киши ишга жойлаштирилди. Ўтган йили аввалги даврга нисбатан 4,8 маротаба кўп, яъни 2,4 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Лойиҳалар ижтимоий шериклик асосида татбиқ этилишида 1,5 мингдан зиёд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бизнес субъектлари фаол иштирок этди.




Тадбирда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимини ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, ННТнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш масалаларига урғу бериб ўтилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ўндан ортиқ бандларини бажаришда жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтларига молиявий кўмак кўрсатилади. Умуман олганда, ижтимоий лойиҳаларга жорий йилда давлат бюджетидан етти миллиард сўм йўналтирилади.

Жорий йил 15 мартдан бошлаб парламент комиссиясининг давлат гранти олиш учун иккита танлови эълон қилинди. Асосий йўналишлар "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга ошириш борасида ННТнинг давлат тузилмалари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлиги даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат.

ОАВлари фаолиятини янада фаоллаштириш, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари татбиқ этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли ҳуқуқий маданияти, билими ва онгини юксалтиришдаги аҳамиятини кучайтиришга қаратилган танлов ҳам эълон қилинди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Экология и здоровье

# ВО ИМЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

***В нашей стране с первых дней независимости осуществляется поэтапное и последовательное строительство демократического правового государства, где человек, его права, свободы и законные интересы объявлены высшей ценностью. Очень важным и знаменательным шагом на этом пути стало развитие законодательства, направленного на формирование политики, экономики, социальной сферы.***

Особая роль при этом принадлежит и вопросам экологии как связующему звену между многими отраслями законодательства, обеспечивающему правовое регулирование отношений в экономике, охране окружающей среды и здоровья населения, рациональном использовании природных ресурсов.

Экологическое право занимает особое место в юридической науке и, являясь комплексной отраслью, взаимодействует со многими сферами. Развитие экологического права и экологического законодательства способствует дальнейшему развитию экологической политики нашей страны.

Правовое регулирование общественных отношений по использованию природных ресурсов, охране окружающей среды и здоровья населения на начальном этапе независимого развития Узбекистана определялось эколого-экономическими и социально-политическими условиями переходного периода. Государственная политика была направлена не только на преодоление кризисного состояния в экономике, экологии, социальной сфере, а прежде всего на закрепление новых тенденций и явлений в развитии экологического законодательства.

Сегодня все принятые правовые акты предоставляют гражданам страны одинаковые права и свободы, закрепляют их равенство перед законом. Экономические и экологические отношения получили отражение в Основном Законе Республики Узбекистан, обозначившем конституционные основы охраны природы, рационального природопользования и создания базы для дальнейшего развития экологического законодательства в условиях рыночных отношений.

Конституция страны, принятая 8 декабря 1992 года, закрепила право общенационального богатства на природные ресурсы и их рационального использования, а также гарантирует их охрану государством. Обозначены и обязательства граждан о бережном отношении к окружающей среде, что явилось исходной позицией в дальнейшем развитии экологического законодательства.

Экологическое законодательство закрепляет тесную взаимосвязь экономики и экологии, необходимость научно обоснованного сочетания экономических и экологических интересов граждан нашей страны, характеризует природу и ее ресурсы как основу жизни в качестве экологического аспекта и как основу деятельности в качестве экономического аспекта. Исходя из этих требований в Основном Законе закреплено положение, что собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом. Использование имущества не должно причинять ущерб экологической среде, нарушать права и охраняемые законом интересы граждан, юридических лиц и государства.

Важную роль в охране окружающей среды, здоровья населения и управлении природопользованием играет закрепление нормы о том, что местные органы власти наряду с вопросами обеспечения законности, правопорядка и безопасности граждан, экономического, социального и культурного развития территорий, формирования и исполнения местного бюджета, установления местных налогов, сборов, формирования внебюджетных фондов, руководства коммунальным хозяйством, также несут ответственность за решение вопросов охраны окружающей среды и здоровья населения.

Данные конституционные положения носят эколого-экономический характер, поскольку природа имеет многообразное значение и как среда обитания человека, и как источник природных ресурсов, и как экологическая система. Соответственно они являются ключевыми для правового регулирования экологических отношений. Именно в Основном Законе закреплены наиболее существенные принципы формирования экологической деятельности государственных органов и общественных организаций, гарантированы экологические права, интересы личности, провозглашены экологические права и обязанности физических и юридических лиц, определены приоритетные направления экологически устойчивого развития общества.

Эти конституционные права раскрыты в Законе Республики Узбекистан “Об охране природы”, который является первым законодательным актом комплексного характера в области охраны природы. На основе комплексных принципов этого осуществлялось поэтапное и последовательное формирование природоохранного законодательства. В настоящее время в республике принято более двадцати законов, сотни нормативных актов в области охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов, обеспечения экологической безопасности. Наряду с общими принципами в них закреплены и частные, отражающие специфические особенности регулирования конкретных отношений в области охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов и защиты здоровья населения.

Законы “Об охране здоровья”, “Об охраняемых природных территориях”, “О недрах”, “О воде и водопользовании”, “Об охране и использовании растительного мира”, “Об охране и использовании животного мира”, “Об охране атмосферного воздуха”, “О лесе”, “Об экологической экспертизе”, “О государственном санитарном надзоре” и другие экологические законы и кодексы, также солидный перечень подзаконных актов явно свидетельствуют об объеме проделанной работы в этой сфере. Одновременно осуществлялась системная и последовательная работа по присоединению и подписанию международных и межгосударственных договоров, соглашений в сфере рационального использования природных ресурсов, охраны окружающей среды и здоровья населения.

В настоящее время процесс правового регулирования экологических отношений, базирующийся на фундаментальных положениях Основного Закона, позволяет осуществить классификацию его особенностей, учитывающих следующее. Экономические аспекты охраны окружающей среды, которые были связаны с переходом к рыночным отношениям в экономике, имеют важное значение для функционирования общественного производства и охраны окружающей среды, ее организационно-правового обеспечения. Социальные аспекты охраны окружающей среды приобретают особую значимость в связи с формированием новой экологической доктрины государства. Имея ярко выраженные гуманистические приоритеты, центральным звеном экологической доктрины становится человек, его жизнь и здоровье. Право граждан на здоровую и благоприятную окружающую среду получает законодательное оформление. Поэтапное и последовательное решение экологических и связанных с ними социально-экономических проблем в природопользовании носит приоритетный характер. В связи с этим правовое регулирование экологических отношений было направлено не только на решение перспективных задач по охране окружающей среды, касающихся перехода Узбекистана к устойчивому развитию, но и решение текущих приоритетных экологических проблем, в том числе касающихся охраны здоровья населения.

Экологическое благополучие отдельных территорий страны обеспечивается прежде всего за счет рационального использования богатого природного потенциала. Это способствует формированию производства с точки зрения сохранения и улучшения окружающей среды, эффективной пространственной структуры общественного производства и реконструкции производственных систем, а также хозяйственного механизма на местном уровне.

Существенным импульсом в процессе правового регулирования экологических отношений является развитие международно-правовых аспектов охраны окружающей среды, международного сотрудничества в решении экологических проблем.

Таким образом, основными задачами правового регулирования экологических отношений на современном этапе являются обеспечение стабилизации и коренное улучшение экологической ситуации за счет “экологизации” общественного производства. К основным задачам также относится осуществление институциональных и структурных преобразований, позволяющих ввести производственную деятельность в пределы емкости экосистем на основе внедрения ресурсосберегающих, энергоэффективных и мало- и безотходных технологий, целенаправленных изменений структуры производства. При этом необходимо последовательно осуществлять дальнейшую демократизацию общества, вовлечение в экономико-экологическую сферу молодежи, а также развитие и совершенствование системы экологического образования и воспитания, широкое привлечение различных слоев общества в деятельность по охране окружающей среды, здоровья населения и процесс решения экологических проблем.

Современное экологическое законодательство нашей страны направлено на охрану окружающей среды и здоровья населения, обеспечение рационального использования природных ресурсов и экологической безопасности страны, защиту прав граждан на благоприятную окружающую среду, представление возможности каждому человеку жить и работать в благоприятных для него природных условиях.

Республика Узбекистан как полноправный субъект международного права последовательно проводит социально-экономическую, а также экологическую политику, направленную на охрану окружающей среды, здоровья населения, рациональное использование природных ресурсов в целях обеспечения экологической безопасности и устойчивого развития страны.

**Сергей САМОЙЛОВ,**
**Жуманазар АТОЖОНОВ,**
**депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан.**

Фарғона вилояти — Қисқа сатрларда — Наманган вилояти

## Оила – муқаддас даргоҳ

Марғилон тиббиёт коллежида “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига ота-оналар таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар оила муқаддаслиги авлодлардан мерос қадрият экани, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланишини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб беришди. Никоҳ қуришга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш, бу борада ота-оналар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Суҳбат давомида ота-оналар барча қизиқтирган саволларга мутахассислардан шарҳ олишга муваффақ бўлишди.

## Табиат – умумий уйимиз

Марғилон шаҳридаги 2-ихтисослашган мактабда “Табиат – бизнинг уйимиз” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шаҳар экология жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таълим муассасасида фаолият юритаётган “Экология” тўгараги тарбияланувчилари тенгдошлари эътиборини расмлар кўргазмаси, саҳна кўринишлари орқали она табиатни асраб-авайлашга қаратишга интилишди. Жумладан, Севара Йўлдошева, Умида Набиева, Жавоҳир Қосимов, Эгамберди Жўраев, Муҳаммадазиз Абдусалиевлар ер, сув, пахта, буғдой ҳамда турли меваларга таъриф бериб, табиатга бағишланган қўшиқ, топишмоқ ва халқ мақолларини ёддан айтишди.

– Мактабимизда ёшларда табиатга оқилона муносабатни шакллантиришга катта эътибор қаратилади, – дейди мактаб директори Муҳтарамхон Мирзаева. – Ўқувчилар билан табиат қўйнида машғулотлар ўтказиб турамиз, мактабимизда табиат бурчаги ташкил этилган. Навбатдаги тадбир ҳам болаларда табиатга бўлган меҳрни янада оширишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Тадбир якунида энг зукко ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

## Янги шифохона

Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизидаги биноларни таъмирлашга уч миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари сарфланди. Ҳозирда шаҳардаги 12 та қишлоқ врачлик пунктида биринчи тиббий хизмат сифатини ошириш, малакали ташхис қўйиш, тиббий кўриклар ташкил этиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида барча шароитлар яратилган.

Яқинда “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси кўмагида шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси қайта таъмирланиб, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Шифохонанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Топиболди Холдоров, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Жаккарали Акбаралиев, Қувасой тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ҳадича Эргашева, халқ таълими фахрийси Ҳайдарали Усмоновлар аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ташаббус кўрсатаётган ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдириб ўтишди.

60 ўринга мўлжалланган икки қаватли ушбу шифохонага Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Дамас” амбуланс автотранспорти, биохимик анализатор, сўнгги русумдаги микроскоп, бошқа тиббий асбоб-анжом ва ускуналар ажратилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

*Память – священна*

# ЗНАТОК ЗАКОНОВ ГИГИЕНЫ

***Имя Насыра Каюмовича Бабаходжаева неразрывно связано с развитием науки о питании в Узбекистане. Его по праву можно считать одним из основоположников отечественной нутрициологии.***

***Родился он в тот день, когда возле окна родительского дома белорозовым цветом зацвела урючина, восхищая своей красотой и обилием предстоящего урожая. Это было 28 марта 1929 года в Ташкенте.***

В 1945 году он с золотой медалью закончил школу и поступил в Ташкентский государственный медицинский институт. Свой научно-творческий путь начал в аспирантуре данного вуза. В 1954 году, после успешной защиты кандидатской диссертации, Насыр Каюмович занялся педагогической деятельностью на кафедре общей гигиены ТашгосМИ. Повышая свое мастерство на этом поприще, стал доцентом кафедры гигиены и микробиологии Ташкентского фармацевтического института, а с 1958 года уже заведовал кафедрой. В течение 1972-1982 годов был заместителем директора НИИ санитарии гигиены и профессиональных заболеваний Минздрава по научной работе. Впоследствии на протяжении более двадцати лет руководил отделом гигиены питания и гигиены детей и подростков этого же института.

Стоит отметить, что до 1975 года оставались нерешенными некоторые принципиальные вопросы в отношении жирового компонента в питании населения в условиях Узбекистана. Исследованиями Н. Бабаходжаева было установлено, что основные натуральные пищевые жиры, употребляемые нашим населением, по показателям, характеризующим их питательную ценность, относятся к числу пищевых продуктов, удовлетворяющих гигиеническим требованиям. В 1975 году Насыр Каюмович защитил докторскую диссертацию на тему "Гигиеническая характеристика основных пищевых жиров с учетом особенностей питания населения и климата Узбекистана". На основании результатов были разработаны гигиенические рекомендации по использованию в питании человека рациональных смесей пищевых жиров.

Н. Бабаходжаев всегда отличался эрудицией и широким кругозором не только в области нутрициологии, но и во многих других направлениях медицины.

К числу основных направлений, разработанных профессором Н. Бабаходжаевым и его учениками, относится комплексное изучение материалов по рационализации питания и оптимизации режима работников промышленности и сельского хозяйства, а также детского населения. Под его руководством был выполнен комплекс исследований по изучению закономерностей формирования здоровья детей в зависимости от эколого-гигиенических, медико-биологических, социальных и экономических аспектов и условий их проживания, а также прогнозированию уровня заболеваемости детей, разработке научно-обоснованных мер по оптимизации здоровья детей и подростков, проживающих на территории Узбекистана. В 1987 году за особый вклад в науку и подготовку специалистов сферы Н. Бабаходжаеву Высшей аттестационной комиссией было присвоено звание профессора.

Перу Н. Бабаходжаева принадлежат такие бесценные монографии, как "Питание и здоровье", "Гигиена труда пекарей", "Пищевые отравления и их предупреждение" и др. В соавторстве опубликован целый ряд крупных научных пособий.

В годы независимости он принял активное участие в разработке нормативных документов по качеству и безопасности пищевой продукции, физиологическим потребностям в пищевых веществах и энергии для различных групп населения нашей страны.

Исследования профессора Н. Бабаходжаева имеют большое научное и практическое значение. Не случайно в списке его научных трудов несколько десятков санитарных правил и норм, методических рекомендаций, широко используемых в работе органов и учреждений государственного санитарного надзора.



В течение ряда лет Н. Бабаходжаев принимал самое активное участие в деятельности республиканской проблемной комиссии по научным основам питания, специализированного совета при НИИ санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний, Общества врачей и гигиенистов Узбекистана.

Н. Бабаходжаев был не только ученым, но и прекрасным научным руководителем, замечательным педагогом, воспитавшим многих учеников, которые ныне стали докторами и кандидатами наук. За плодотворную научно-практическую и педагогическую деятельность награжден Почетной грамотой правительства республики, удостоен нагрудного знака "Отличник здравоохранения".

Блестящий ученый, интеллигентный человек, остроумный собеседник. Вот таким останется Насыр Бабаходжаев в сердцах тех, кто его знал. Он прожил жизнь, наполненную яркими, неординарными страницами. И, может быть, это не совпадение, что будущий ученый родился в тот день, когда зацвела белорозовым цветом урючина, восхищая своей красотой и обилием предстоящего урожая, а ниспосланное свыше предзнаменование.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**профессор.**

*Молодежь – будущее страны*

# ЗДОРОВЬЕ ОЛИМПИЙЦЕВ В НАДЕЖНЫХ РУКАХ

***Республиканский колледж олимпийского резерва, расположенный в Учтепинском районе столицы, за последние годы вырастил немало чемпионов по 23 видам спорта.***





Немаловажную роль в подготовке будущих спортсменов-профессионалов играет медицина, ибо, надо признать, никто не застрахован от травм или ссадин.

За здоровье воспитанников РКОР отвечает специализированная медсанчасть в лице врачей Анвара Кидирбаева, Уктамхон Холйигитовой, Нигоры Турдиевой, медсестер Нигоры Юлдашевой, Зульфии Рахимовой, других профессионалов своего дела.

Персонал медсанчасти оказывает первую помощь ребятам в ходе тренировок и состязаний, осуществляет ежедневный прием, диспансеризацию два раза в год. Кроме того, до и после соревнований спортсмены проходят курс физиотерапии, а врач-диетолог постоянно контролирует рацион и калорийность питания с учетом конкретного вида спорта.

Наблюдая за деятельностью медсанчасти, можно быть уверенным, что здоровье наших будущих олимпийцев в надежных руках.

**Алексей ПОПОВ.**

**Фото автора.**

*Анжуман*

***Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Метаболик синдром: фан тармоқлари орасидаги муаммолар ва уларнинг ечими" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, фан ва таълим муассасалари вакиллари, шифокор ва фармацевтлар иштирок этди.***

# СОҒЛОМ ТУРМУШ МЕТАБОЛИК СИНДРОМГА ҚАРШИ АСОСИЙ ЧОРАДИР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ж. Собиров, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази директори С. Исмоилов ва бошқалар соғлиқни сақлаш тизими тиббий-илмий салоҳиятини юксалтириш, соҳани замонавий технологиялар билан таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли саломатлиги йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ҳозирги кунда ер юзида энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлган метаболик синдром инсон организмида бир неча муаммолар бирдан юзага келиши билан бошланади. Юрак қон-томир, ошқозон-ичак, ўпка тизими мувозанати бузилиши, қандли диабет шулар жумласига киради.

– Қайд этилган ушбу касалликларнинг олдини олиш, уларни муваффақиятли даволашда кейинги йилларда замонавий технологиялар қаторида, амалиётга ўз самарасини кўрсатаётган янги дори воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Улуғбек Қаюмов. – Бу борада мутахассис томонидан вақтида берилган тавсиялар, албатта яхши, бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳар қандай касалликка қарши туриш чораси – бу аввалambor соғлом турмушдир.

Дарҳақиқат, тадбирда такрор ва такрор таъкидлаб ўтилганидек, метаболик синдром соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, хусусан, нотўғри овқатланиш, кўп асабийлашиш, камҳаракатлилик, ортиқча вазн, қон босими ошиши, оқсил ва ёғлар алмашинувидаги бузилишлар оқибатида юзага келади.

Илмий-амалий конференцияда оғир асоратларга олиб келувчи ушбу касаллик профилактикаси бўйича йигирмадан зиёд маърузалар ўқиб эшиттирилди. Бундан ташқари, метаболик синдром шаклланишига сабаб бўлаётган ижтимоий омиллар ва уларни бартараф этиш борасида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тинглади, шунингдек ушбу касалликка нисбатан инсонда иммунитетни шакллантириш учун шифокорлар томонидан қилиниши лозим тадбирлар хусусида ҳам ахборот алмашилди.

Тадбир сўнгида барча маърузачиларга махсус сертификатлар топширилди.

**Диёра БОЗОРОВА.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси мудири Халиджон Махамаджанович Камиловга волидаи муҳтарамаси

**МАТЛУБА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси жамоаси шошилинч хирургия бўлими мудири Жаббор Шахизировнинг рафиқаси

**Бахтигул ШАХИЗИРОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Хурматли муштарийлар!**
*Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.*

*Жаҳон чемпионати – 2014*




# БРАЗИЛИЯ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилда Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш учун саралаш мусобақаси доирасида Ливан вакилларига қарши баҳс олиб бориб, муҳим ғалабани қўлга киритди.***



Пойтахтимиздаги мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган муҳташам "Бунёдкор" стадионида кечган ўйинда терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров томонидан киритилган ягона гол учрашув тақдирини ҳал қилди. Ушбу ғалаба вакилларимизни мундиаль сари яна бир қадам яқинлаштирди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар ўзбек футболи учун муваффақиятларга бой ўтмоқда. Хусусан, 2012 йилда ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз кетма-кет учинчи бор чемпион унвонига сазовор бўлишди. Эронда ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса терма жамоамиз бош совринга эга бўлиб, келгуси йили Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Бундай ғалабали юриш Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси томонидан ҳам давом эттирилди. Иродали ўйин кўрсатган футболчиларимиз БАА яшил майдонларида ўтказилган қитъа биринчилигида ярим финалга чиқиб, жорий йил Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Айни пайтда қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этган бундай қувончли натижаларни 2014 йилги мундиаль йўлланмаси учун кураш олиб бораётган миллий терма жамоамиздан ҳам кутмоқдамиз. Чунки мухлислар саралашнинг икки босқичидан муваффақиятли ўтган футболчиларимизни ҳал қилувчи тўртинчи босқич беллашувларини ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказишини кутганди. Аммо вакилларимиз бу сафарги баҳсларни ўта суст бошлашди. Эътибор беринг, дастлабки уч ўйиндан атиги икки очко. Мухлису мутахассисларда мундиаль йўлланмаси бу сафар ҳам армон бўлиб қолади деган хавотирлар пайдо бўлганди. Лекин керакли пайтда ўзини ўнглаб олган футболчиларимиз масъулиятни ҳис қилиб, кейинги ўйинларда кетма-кета ғалабаларни қўлга киритишди, яъни Эрон ва Қатар терма жамоалари ўз майдонларида таслим этилди. Бу муваффақиятлардан сўнг вакилларимиз "А" гуруҳида пешқадамликни қўлга олди.



Шу боисдан ҳам терма жамоамиз энди хато қилишга ҳаққи йўқ эди. Шундан келиб чиқиб, 26 март куни ўйинга ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Чунки мазкур ўйинда қайд этиладиган натижа жамоалар учун ҳам муҳим аҳамият касб этганди. Чунончи, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ғалабаси "А" гуруҳида пешқадамликни сақлаб қолишни таъминларди. Ўз навбатида, ливанлик футболчиларга бу ўйинда қайд этиладиган ижобий натижа йўлланмалар учун курашиш имконини берарди. Буни яхши англаган ҳар иккала жамоа аъзолари дастлабки дақиқалардан эҳтиёткорлик билан тўп суришди. Айниқса Ливан терма жамоаси асосий эътиборни мудофаага қаратиб, катта куч билан ҳимояланган ўйиннинг қизиқарли ва ҳужумкор кўриниш олишига кўп жиҳатдан халал берди. Ўта тартибли ҳимояланган жамоага қарши ўйнаган вакилларимиз биринчи бўлимда рақиб дарвозасига йўл топа олмади. Шунга қарамай, майдонда ва баъзи бир статистик кўрсаткичларда устунлик бизнинг томонда бўлди. Масалан, ҳамюртларимиз олти бор бурчак тўпини амалга оширишди, тўрт марта рақиб дарвозаси томон зарба беришди. Бунга жавобан Ливан терма жамоаси фақат бир марта дарвозамиз олдида хавфли вазиятни содир этди.




Иккинчи бўлимни эса ливанликлар кутилмаганда фаол бошлашди ва бу имконият кўпроқ бизнинг фойдамизга хизмат қилди. Рақибнинг ҳужумга ўтиши натижасида ҳимоясида бўшлиқлар пайдо бўла бошлади. Қолаверса, захирадан майдонга туширилган ярим ҳимоячи Олег Зотеев ва ҳужумчи Фарҳод Тожиевнинг саъй-ҳаракатлари терма жамоамиз ҳужумларини анча мазмунли ва хавфли кўриниш олишини таъминлади. Бу эса ўйиннинг 64-дақиқасида ўз самарасини берди. Терма жамоамиз сардори Сервер Жепаровнинг рақиб жарима майдони ташқарисидан йўллаган зарбаси учрашув дарвоза тўрига бориб тушди – 1:0!



Голдан кейин ҳам вакилларимизда бир қатор қулай имкониятлар юзага келди. Аммо сўнгги зарбани йўллашда уларда аниқлик етишмади. Шу тариқа ўйин Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Ягона гол муаллифи Сервер Жепаров учрашувнинг энг яхши футболчиси деб топилди.

– Авваллари "Бунёдкор" каби маҳобатли стадионларни фақат телевизорда орқали кўрар эдик, – дейди ўйинни бевосита кузатган футбол мухлиси Бекзод Узоқов. – Истиқлол шарофати билан энди бундай гўзал мажмуа пойтахтимизда барпо этилди. Бу ерда ўтказилган илк расмий ўйинда футболчиларимизнинг қўлга киритган ғалабасидан чексиз қувондик. Терма жамоамизга навбатдаги ўйинларда ҳам муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз. Табиийки, ушбу ғалабадан сўнг футбол мухлисларининг кўпчилигида терма жамоамиз Бразилияга боришига ишончи янада ортди.

– Ушбу чиройли ғалаба билан ҳаммани табриклайман, – деди ўйиндан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов. – Мухлислар ажойиб тарзда қўллаб-қувватлагани, футболчиларимиз эса бор кучи билан ҳаракат қилгани учун миннатдорлик билдираман. Бундай ўйинларда ғалаба қозониш осон эмас. Ўйинга келадиган бўлсак, биринчи бўлимда Ливан терма жамоаси тартибли ҳимояланди ва бизга деярли имкон бермади. Иккинчи бўлимда эса захирадан майдонга тушган футболчиларимиз ўйинни кучайтирди. Дастлаб асосий вазифамиз Ливаннинг хавфли ва тезкор қарши ҳужумларига имкон бермаслик эди. Кейинчалик эса ҳужумкорликни ошириб, керакли натижани қўлга киритдик.

Ўйиндан сўнг Ливан терма жамоаси бош мураббийи Теодор Бюкер ҳам қуйидаги фикрини айтиб ўтди:

– Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш Ўзбекистон, Эрон ва Жанубий Корея терма жамоалари ўртасида кечади. Ўйлашимча, биз ва Қатар жамоалари савия жиҳатидан ҳали бироз пастроқ. Умуман олганда, уларни ўзаро таққослаган бўлардим. Биринчи бўлимда жисмоний ҳолатимизни бир мувозанатда сақлаб тура олдик. Бироқ кейинчалик чарчаб қолдик. Шундан сўнг Ўзбекистон ўзининг жисмоний кучлилиги ҳисобига устунликни ўз қўлига олди. Ўйиннинг аксарият вақти давомида биз ҳимояда ҳаракат қилдик, бироқ атайлаб ҳимояга ўтиб олганимиз йўқ, балки рақибимиз – Ўзбекистон миллий терма жамоаси бизни шунга мажбур қилди. Ҳар бир терма жамоа ўз имкониятлари даражасида ўйин кўрсатади.

Мазкур гуруҳдаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея терма жамоаси ўз майдонида Қатарни қабул қилди ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу тариқа мазкур турдан сўнг "А" гуруҳидаги вазият қуйидагича кўриниш олди:

| Жамоа | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. **Ўзбекистон** | 6 | 3 | 2 | 1 | 6-4 | 11 |
| 2. Жанубий Корея | 5 | 3 | 1 | 1 | 11-5 | 10 |
| 3. Эрон | 5 | 2 | 1 | 2 | 2-2 | 7 |
| 4. Қатар | 6 | 2 | 1 | 3 | 4-7 | 7 |
| 5. Ливан | 6 | 1 | 1 | 4 | 2-7 | 4 |

"А" гуруҳидаги навбатдаги ўйинлар 4 июнда ўтказилади. Шу куни Қатар терма жамоаси ўз майдонида Эронни қабул қилади. Жанубий Корея эса Ливан терма жамоаси мезбони бўлади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги ўйинни 11 июнь куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказади.

**Ниҳоят сўнгги турда вакилларимиз Тошкентда Қатар терма жамоасини қабул қилади. Ушбу учрашув 18 июнь куни бўлиб ўтади.**

**Фурқат САНАЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Матбуот хизмати раҳбари.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 9515 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 23.20. 1 2 3 4 5